

ISSN 2181-7812



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AXBOROTNOMASI**

**ВЕСТНИК**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

«Zamonaviy pediatriyaning  
dolzarb muammolarini:  
bolalar kasalliklari diagnostikasi va  
davosining yangi imkoniyatlari»  
mavzusidagi III-safqaro ilmiy-amaly anjumanga  
bag'ishlangan

MAXSUS SON

**2024**

TOSHKENT



ISSN 2181-7812  
9 772181 781009

# TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI



## ВЕСТИК

ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

«Zamonaviy pedatriyaning  
dolzarb muammolari: bolalar  
kasalliklari diagnostikasi va  
davosining yangi imkoniyatlari»  
mavzusidagi III-xalqaro ilmiy-amaliy  
anjumanga bag'ishlanga

**MAXSUS SON**

**I qism**

Тошкент



ISSN 2181-7812



1 7 7 2 1 8 1 7 8 1 0 0 9

*Выпуск набран и сверстан на компьютерном изда-  
тельском комплексе*

*редакционно-издательского отдела Ташкентской  
медицинской академии*

*Начальник отдела: М. Н. Аслонов*

*Редактор русского текста: О.Л. Коллова*

*Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева*

*Редактор английского текста: А.Х. Жураев*

*Компьютерная корректура: З.Т. Алошева*

*Учредитель: Ташкентская медицинская академия*

*Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском  
управлении печати и информации*

*Регистрационное свидетельство 02-00128*

*Журнал внесен в список, утвержденный приказом №  
201/3 от 30 декабря 2013 года*

*реестром ВАК в раздел медицинских наук*

*Рукописи, оформленные в соответствии  
с прилагаемыми правилами, просим направлять  
по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,*

*Главный учебный корпус ТМА,  
4-й этаж, комната 444.*

*Контактный телефон 214 90 64*

*e-mail: rio-tma@mail.ru  
rio@tma.uz*

*Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.*

*Гарнитура «Cambria».*

*Тираж 150.*

*Цена договорная.*

*Отпечатано на ризографе редакционно-издательско-  
го отдела ТМА.*

*100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.*

## Вестник ТМА 2024

### РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

#### Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

#### Заместитель главного редактора

проф. О.Р. Тешаев

#### Ответственный секретарь

проф. Ф.Х. Иноятова

#### ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

проф. Жае Вук Чой (Корея)

акад. Каримов Ш.И.

проф. Татьяна Силина (Украина)

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Людмила Зуева (Россия)

проф. Метин Онерчи (Турция)

проф. Ми Юн (Корея)

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

проф. Саша Трескач (Германия)

проф. Шайхова Г.И.

#### Члены редакционного совета

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Хамдамов Б.З. (Бухара)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

---

## *Herald TMA 2024*

### **EDITORIAL BOARD**

#### *Editor in chief*

prof. A.K. Shadmanov

#### *Deputy Chief Editor*

prof. O.R. Teshaev

#### *Responsible secretary*

prof. F.Kh. Inoyatova

### **EDITORIAL TEAM**

academician Alyavi A.L.

prof. Bilalov E.N.

prof. Gadaev A.G.

prof. Jae Wook Choi (Korea)

academician Karimov Sh.I.

prof. Tatyana Silina (Ukraine)

academician Kurbanov R.D. prof. Lyudmila Zueva (Russia)

prof. Metin Onerc (Turkey)

prof. Mee Yeun (Korea)

prof. Najmutdinova D.K.

prof. Salomova F.I.

prof. Sascha Treskatch (Germany)

prof. Shaykhova G.I.

### **EDITORIAL COUNCIL**

DSc. Abdullaeva R.M.

prof. Akilov F.O. (Tashkent)

prof. Allaeva M.D. (Tashkent)

prof. Khamdamov B.Z. (Bukhara)

prof. Iriskulov B.U. (Tashkent)

prof. Karimov M.Sh. (Tashkent)

prof. Mamatkulov B.M. (Tashkent)

prof. Okhunov A.A. (Tashkent)

prof. Parpieva N.N. (Tashkent)

prof. Rakimbaeva G.S. (Tashkent)

prof. Khamraev A.A. (Tashkent)

prof. Kholmatova B.T. (Tashkent)

prof. Shagazatova B.X. (Tashkent)

*Journal edited and printed in the computer of Tashkent Medical Academy editorial department*

*Editorial board of Tashkent Medical Academy*

*Head of the department: M.N. Aslonov*

*Russian language editor: O.A. Kozlova*

*Uzbek language editor: M.G. Fayzieva*

*English language editor: A.X. Juraev*

*Corrector: Z.T. Alyusheva*

*Organizer: Tashkent Medical Academy*

*Publication registered in editorial and information department of Tashkent city*

*Registered certificate 02-00128*

*Journal approved and numbered under the order 201/3 from 30 of December 2013 in Medical Sciences department of SUPREME ATTERTATION*

#### *MISSION*

*COMPLETED MANUSCRIPTS PLEASE SEND following address:*

*2-Farobi street, 4 floor room 444. Administrative building of TMA,  
Tashkent, 100109, Tashkent, ul. Farobi, 2, TMA bosh a'zam binosi, 4-qavat,  
444-xona.*

*Contact number: 71-214 90 64*

*e-mail: ria-tma@mail.ru, ria@tma.uz*

*Format 60x84 1/R. Ibd. printer, L 9.75.*

*Printing means «Cambridge».*

*Circulation 1.50.*

*Negotiable price*

*Printed in TMA editorial and publisher department risograph*

*2 Farobi street, Tashkent, 100109.*

## УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲОМИЛАДОРЛИК МУАММОСИГА ЗАМОНАВИЙ ҖАРАШ

Саддулаева М.А., Олимова Н., Мухаммадзокиров С.

## ПРОЛОНГИРОВАННАЯ БЕРЕМЕННОСТЬ: СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ

Саддулаева М.А., Олимова Н., Мухаммадзокиров С.

## PROLONG PREGNANCY: A MODERN VIEW ON THE PROBLEM

Sagdullaeva M.A., Olimova N., Muhammadzokirov S.

Тошкент тиббиёт академияси

Представлен литературный обзор, который охватывает научные взгляды на факторы рождения и опасные факторы, которые приводят к переношенности и пролонгированной беременности.

**Ключевые слова:** переношенные роды, долгосрочные беременности, факторы риска, осложнения.

The article presents a literary review and covers scientific views on the factors of births and hazardous factors that lead to transfer and prolonged pregnancy.

**Key words:** post-term delivery, long-term pregnancy, risk factors, complications.

**X**озирги вақтда муддатдан ўтиб туғилиш ва узоқ муддатли ҳомиладорлик муаммолари жуда дол зарб бўлиб қолмоқда, чунки улар мураккаб биологик жараёнларга олиб келиши мумкин. Кўпинча бу муаммо туғилишда турли хил асоратларга олиб келади, бу эса перинатал касаллик ва баъзи ҳолларда ўлим билан тугаши мумкин. Кўпинча бу муаммо туғилишда турли хил асоратларга олиб келади, бу эса туғувчи аёл учун ҳам, чақалоқ учун ҳам перинатал касаллик ва ҳавф омиллининг ортиши билан туғайди [5,7,11]. Муддатидан ўтган ҳомиладорлик ва муддатидан ўтган туғруқлар ҳомиладорлик муддатининг узайниши, туғруқ бошланниши ва кечиши, ҳомиланинг ҳомила ичи ҳолати ва фетоплацентар системанинг ҳолати каби омиллар билан боғлиқ. Ушбу муаммонинг аҳамияти биологик система "она-йўлдош-ҳомила" комплексининг физиологиясида сезиларли ўзгаришлар юз бераб, кечиккан туғруқларни кечишида турли хил асоратларга олиб келади, шунингдек, муддатидан ўтган болада юқори неонатал касаликларга ва перинатал ўлимга олиб келади [1,3,6].

Кўпина муаллифларда муддатидан ўтган ҳомиладорликни оналар учун ва айниқса ҳомила учун, туғилган чақалоқларда кўп туғилиш травмалари, болаларда яқин ва узоқ асоратлари туғайли юқори ҳавф гурухига киритишган [12].

Адабиётлардаги маълумотларга кўра, муддатидан ўтган ҳомиладорлик умумий туғруқлар сонига нисбатан ўртача 3,5-13,5% оралигига учрайди, 8-10%ни ташкил қилади. Перинатал патологиялар орасида муддатидан ўтиб туғилган чақалоқлар орасида марказий асаб тизимининг шикастланиши етакчи ўринни эгаллайди [2].

Умумий қабул қилинган маълумотларга кўра, бундай ҳомиладорлик 287-290 кундан ортиқ давом этадиган, ҳомиланинг ҳомила ичи азобланиши билан кечади ва биологик муддатдан ўтганлик белгилари, катта ҳавф билан анте- ва интранатал дистресс-синдром ва неонатал адаптациянинг қийинлашувни билан чақалоқ туғилади [9].

Ҳомиладорлик охирги нормал менструал циклнинг биринчи кунидан 42ҳафта (294кун) ортиқ давом этган муддатидан ўтган деб ҳисобланади. Муддатидан ўтган ва узоқ муддали ҳомиладорлик-

ни ажратилмайди. 42 тўлиқ ҳафтадан ўтиб бошланга туғруқ кечиккан туғруқ ҳисобланади. Адабиёт маълумотларига кўра, муддатидан ўтган ҳомиладорликда перинатал ўлим кўрсаткичи 19%ни, неонатал касалланиш 29%ни ташкил етади, бу кўрсаткичи муддатидаги ҳомиладорликдан 6 марта кўп. 38 ҳафтада туғилган чақалоқларнинг неонатал ўлими ҳавфи энг кам бўлиб, 42 гестацион ҳафтадан бу кўрсаткичи кескин ортади [4,15].

Инглиз адабиётлари маълумотлардаги терминларда «postdates pregnancy» кутилган муддатдан сўнг бошланган туғруқ, «postterm pregnancy» узоқ давом этган ҳомиладорлик, «postmature» – ҳомиладаги спецефик ўзгаришлар тушунилади. Чақалоққа нисбатан қўлланиладиган терминларда, биологик муддатидан ўтган ҳомиладорликда «foetus hypertatitus», сурункали узайланган ҳомиладорликда – «foetus postmaturus». Агар ҳомиладорлик 294 суткадан кўп давом этса ва биологик муддатдан ўтганлик белгилари билан туғилган чақалоқнинг ҳаёти ҳавф остида бўлади – «fetal distress» бу эса анте- ва интранатал дистресс-синдроми ва неонатал адаптацияни бузилишига олиб келади [8,14].

Биринчилардан бўлиб Ж.Беллентейн, сўнг Х.Рунге (1948) чақалоқларда муддатдан ўтганлик белгиларини тасвирлаб беришди ва бу синдром Беллентейн-Рунге синдроми деб номаланди. Классик Беллентейн-Рунге синдроми: калла суюги зичлигининг ортиши, тор лиқидор ва чоклар, бош конфигурациясининг йўқлиги, узун тирноқ ва соч, казеоз қопламанинг йўқлиги, қуруқ тери, мацерацияланувчи товон ва кафт, «ҳари кўриниш» – тери ажнили, тургорлик пасайга, бўялган тери (мекониал амнион суюқликда), шу билан бирга чақалоқ нормал массада, катта вазнили ёки гипотрофик бўлиши мумкин. Кечиккан туғруқларда юқоридаги белгилардан 2-3таси мавжуд бўлганда ҳомила муддатидан ўтган деб ҳисобланади [10].

Муддатидан ўтган ҳомила салбий оқибатлари – ҳомила вазни катта бўлиши, бош суюклари қаттиқ бўлиши, туғруқда бош конфигурацион йўқлиги, 41 ҳафтадан кейинги дистресс-синдроми ва бошқалар, шунингдек, туғруқ фаолияти аномалиялари юқори частотада кузатилади. Кесарча кесиш частотаси-

нинг юқори бўлишига олиб келади - 33,3%, бу акушерлик асоратлари хавфини оширади [8].

Хозирги кунгача узоқ муддатли ва муддатидан ўтган ҳомиладорлик диагностикасининг аниқ антенатал мезонлари мавжуд эмас, бу эса ушбу тушунчаларнинг бирлашувига олиб келади [6].

Адабиётта кўра, муддатидан ўтиб туғилган болаларда ривожланиш аномалияларининг частотаси 9,2%, узоқ муддатли ҳомиладорлик билан - 4,8%, тўлиқ муддатли - 3,3%. Бош мия ривожланиш нуксонлари (анзенцефалия, гидроцефалия), Даун синдроми, буйрак поликистози фақаттана чин МЎҲ да учрайди. Перинатал патологиялар таркибида МНС нинг шикастланиш етакчи ўринларни этгайлади, марказий нерв тизимининг шикастланиши 80% болаларда асаб тизимининг касаллклари кечади [3].

Этиология ва патогенез. Хозирги вақтда МЎҲ етарили даражада ўрганилмаган, аммо ҳомиладорликнинг кечикиши нормал ҳомиладорликнинг тасодифий ўзгариши сифатида қаралмайди, шунинг учун ҳам она, ҳам боланинг ҳолатини ҳисобга олиб патологик ҳолат сифатида талқин қилиниши керак. МЎҲ хавфи ҳақида кечиккан туғруқ ва анамнезида сурункали яллигланиш касаллклари мавжуд, эндокрин касаллклар, ҳайз циклининг бузилиши, ҳомиладорликнинг 41 ҳафтасида "етилмаган" ёки "етарлича этилмаган" бачадон бўйни, плацентанинг гипоплазияси ва кам сувлилик мавжудлигига ўйлаш керак. Перинатал асоратларни эрта ташхислаш ва олдини олиш учун қайта тиклаш хавфи юқори бўлган ҳомиладор аёллар гурухини ажратиш муҳим аҳамиятта эга. Муддатидан ўтган ҳомиладорликни турли омилларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган патологик ҳолат сифатида қараш лозим [6,15].

Муддатдан ўтган ҳомиладорликнинг энг кўп учрайдиган перинатал асоратлари ўлик туғилиш, асфиксия ва туғилиш трамасидир. Муддатдан ўтиб туғилган болада неонатал касалланиш 29% га етади ва перинатал ўлим-19 %, бу кўрсаткичлар муддатда туғилган болаларга нисбатан юқори. Ҳомиладорлик 43 ҳафта ёки ундан кўп бўлса, бу кўрсаткичлар ортиб боради. Бу касаллкларнинг барчаси миянинг катта ҳажомдаги ва плацентада морфологик ўзгаришлар туфайли ҳомиланинг гипоксияга чидамлилиги пасайиши билан боғлиқ. Шу сабабли, туғилишда мекониал аспирация синдроми ва ҳомила дистресс синдромининг частотаси ошади, бу еса юқори перинатал касаллик ва ўлимга олиб келади. Кўпинча мекониал аспирация пайтида ўлим даражаси 60 % га етади, ўтиказилган гипоксия эса марказий нерв системасининг перинатал зарарланишига олиб келади, бу барча болалар патологияларни 60-80% ини ташкил етади. Перинатал асоратларни профилактикаси диагностикасини ҳомиладор аёлларни юқори хавф гурухини ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай юлиб, ҳомиладорликнинг муддатидан ўтишини этиологияси аниқлашни ва кейинчалик ўрганишни талаб қиласди [14].

Сўнгги пайтларда муддатдан ўтган ҳомиладорликда плацентанинг функциясини бузишга катта эътибор берилмоқда, бу еса ҳомиланинг диспресияга олиб келади. МЎҲ да плацентада кузатилган ўзгаришлар иккин-

чи даражали, аммо келажакда улар стероидогенезда, ҳомила ҳолатида ва туғруқ фаолиятида муҳим рол ўйнаши мумкин. МЎҲ билан аёлнинг гормонал ва гуморал тизимларида мувозанат бузилади, бу эса туғруқ доминантларнинг шаклланишига ва туғилнининг ўз вақтида бошланишига таъсир қиласди.

Охирги тадқиқотлар натижасида МЎҲ шароитида микроэлементлар алмашинувининг бузилганлигини кўрсатади. Аниқлашнишича, қон зардобида мис, рух, марганец микдорининг сезиларли пасайиши бачадон қиқаришига салбий таъсир қиласди [3,11].

Ҳомиладор аёлларнинг периферик қонида прогестерон, эстрadiол ва уларнинг нисбати, шунингдек фосфолипидлар фракцияларининг микдори, МЎҲ ни турини фарқлаш учун алоҳида эътиборга сазовор [2].

Адабиётдаги маълумотларга кўра, ҳомиладорлик даврида қон ва сийдикда кортикостероидларнинг таркиби сезиларли даражада ошади ва туғишидан олдин максимал даражага етади, бу эса она, ҳомила ва плацента томонидан буйрак усти безлари томонидан синтезининг ортиши билан боғлиқ. Шунинг учун, МЎҲ аёлларда ҳомиладорлик 17-ОКС микдори ва қон серотонин даражасини, шунингдек, 37-ҳафтадан сўнг сийдикда 17-КС микдори камайиши билан аёлда адаптацион қобилятини пасайиши билан юзага келади. Баъзи муаллифлар қон зардобида эстрadiол ва кортизол даражасини 1,5 марта камайтириш, 1,7 марта прогестерон ортиши, шунингдек репродуктив соҳада иммунологик материал учун маъсул цитокин кам ишлаб чиқариши, муддатидан ўтган ҳомиладорлик учун проғностик аҳамиятга ега, деб ҳисоблашади [8].

Бутунги кунга келиб, муддатидан ўтган ва узоқ муддатли ҳомиладорликнинг тўғри ва ўз вақтида ташхиси учун кенг қамровли текшириув ўтиказилади, шу жумладан: анамнез ва формуласар Негел, Жорданза, ҳомиладорлик тақвими бўйича ҳомиладорлик даврини аниқлаш; ташкини ва ички акушерлик текшириув; кардиотокография; допплерометрия, ултратовуш текшириув, қонда естроген ва прогестерон даражасини аниқлаш; кўрсатмаларга кўра-амниосентез, кейинчалик амниотик суюқликни ўрганиш.

МЎҲ объектив текшириш учун характерли: қорин айланаси камайиши, камсувланиш, ҳомила катта ҳажми ва унинг ҳаракат чеклаш, калла суяги зичлиги ортиши, тери тургорлигини камайиши, оғиз сути ўрнига етилган сут ажralиши, этилмаган бачадон бўйни.

МЎҲ нинг антенатал диагностикаси учун илмфан ва замонавий технологияларнинг сўнгти тадқиқотлари параклиник объективи текшириув усулларини тавсия қиласди, бу баъзи ҳолларда таҳминий ташхисни ишончли ҳолга келтиришга ёрдам беради. Ултратовуш (УТТ) ёрдамида олинган маълумотлар узоқ муддатли ва МЎҲ нинг дифференциал диагностикаси учун алоҳида аҳамиятга ега. МЎҲ да ҳомила ва амниотик суюқлик ҳолатини ташхислашда, перинатал натижаларни яхшилашга олиб келадиган туғруқни индуциялаш вақти ва турини аниқлаш керак. Айни пайтда МЎҲ ни ультратовуш ташхисининг муайян тажрибаси тўпланиб, ушбу патологияни юқори даражада ташхислаш имконини беради [4,7,9].

Ультратовуш диагностикасыда МҮХ нинг мағус белгиларидан бири плацента қалинлигининг прогресив пасайниши бўлиб, бу плацента дисфункциясини кўрсатади. Шунинг учун, плацентографияда плацентанинг тузилиши ва етуклик даражасига баҳор бериш, амниотик суюқликнинг миқдори ва сифати аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, кўпласб музаллифларнинг фикрига кўра, МҮХ учун характерли белгилар плацентанинг З-даражада етилиши петрификатлар мавжудлиги билан, кам-сувлилик ва амниотик суюқликнинг ехогениклиги ортиши билан каби белгилар ҳисоблади [3].

Биокимёвий, гормонал, функционал, морфологик, ситологик ва бошқа текширувлар муддатдаги ва узоқ муддатли ҳомиладорлик даврида статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқланмаганлигини ҳисобга олсан, ҳомиладорликнинг узайиши физиологик ҳолат деб ҳисоблаш учун асослар бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, муддатидан ўтган ҳомиланинг патогноматик белгилари йўқ, аммо МҮХ ташхис қўйишга асос бўладиган синдром мавжуд. Шу сабабли, тадқиқот усусларининг турли даражадаги ишончлилиги ҳомиланинг етилганлик даражасига баҳор беришда, унинг функционал ҳолатини, она-плацентар тизимнинг функциясини баҳолашга имкон беради, бунинг асосида хронологик муддатдан ўтишини ҳисобга олиб, МҮХ ёки узоқ муддатли ҳомиладорлик ташхисини қўйиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда муддатидан ўтган ҳомиладорлик ва узо давом етган ҳомиладорликни антенатал дифференциал диагностика қилиш алоҳида аҳамиятта эга, бунда тактика ҳам турлича бўлади: биринчи ҳолатда – актив тутрүкка тайёрлаш ва тутрүкни амалга ошириш, иккинчи ҳолатда эса кутиш (бундай аёлларни консерватив даволаш). Ҳомиладорлик 41 ҳафтадан кейин тутрүкни индуциялаш, спонтан тутрүк бошланишини кутиш тактикаси билан солишириганда перинатал ўлим кўрсаткичи камлиги аниқланган. Ушбу муаммонинг долзарблиги «она-йўлдош-ҳомила» мураккаб биологик тизими-нинг физиологиясида сезиларли ўзгаришларга олиб келиши билан боғлиқ. Бутунги кунда, мультифактори-

ал сабаблар натиҷасида юзага келган МҮХ билан аёлларда самарали даволаш ва профилактика чора-тадбирлар учун ҳеч қандай аниқ тавсиялар йўқ.

Шундай қилиб, бугунги кунда узоқ муддатли ва ҳомиладорлик учун ягона нуқтаи назар йўқ. Перинатал патология учун Анте ва интранатал ҳавф омилларининг табиати ҳақида мунозаралар давом етмоқда. Узоқ муддатли ҳомиладорлик ва муддатидан ўтган ҳомиладорлик дифференциал диагностикасини амалга оширишда муайян қийинчиликлар мавжуд. Муддатидан ўтиб туғиши ривожланишинг патогенетик, диагностика ва прогностик механизмларини ўрганишга бағишиланган кўпласб илмий ишларга қарамасдан, мавжуд маълумотлар қарама-қаршиидир ва ҳомиладор аёлларни даво тактикаси таълашга имкон бермайди, шунинг учун ҳомиланинг муддатдан ўтишини ва узоқ муддатли ҳомиладорликни сабабини аниқлашда замонавий этиопатогенетик комплекс тадқиқот ўтказиш долзарб ва истиқболли ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлашни керакки, сўнгти пайтларда мамлакатимизда муддатдан ўтган ҳомиладорликни муаммосини ўрганишда кам миқёсли тадқиқотлар олиб борилмоқда, бу бизга ушбу мавзуни батафсил ўрганиш ва МҮХ олиб келадиган этиологик омилларни ўрганиш учун асос яратади.

**Адабиётлар рўйхати билан таҳририятда танишиш мумкин**

### **УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲОМИЛАДОРЛИК МУАММОСИГА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШ**

Садгулаева М.А., Олимова Н.,

Мухаммадзониров С.

*Мақолада адабиётлар шархи берилди, бунда муддатдан ўтиб туғиши ва узоқ муддатли ҳомиладорликка олиб келувчи сабаб ва ҳавф омиллари ҳақида илмий қарашлар ёритилган.*

**Калит сўзлар:** муддатдан ўтиб туғиши ва узоқ муддатли ҳомиладорлик, ҳавф омиллари, асорати.